

Аҳолига қулайликлар яратиш ва коммунал хизматларни сифатли ҳамда ўз вақтида етказиб мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда



“Термизтумангаз” газ таъминоти корхонаси аҳолига табиий ва суюлтирилган маиший газ балонларини вақтида етказиб бериш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Табиий газ таъминоти қувурларида таъмирлаш, янгилаш ишлари амалга оширилиб, маиший газ балонларини навбатма-навбат маҳаллалар кесимида аҳолига етказиб бериш йўлга қўйилган.

Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан маҳаллаларда янги бетон устунлар ўрнатиш ва тармоқ линияларини тортиш ҳисобига электр энергияси таъминоти яхшилашга эришилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида мавжуд станциялар ва трансформаторларни таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.